

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 3-октябрь 8- октябрьгача)**

№5

Тошкент – 2016

10-15 октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР
АСОСИЙ МАҚСАД – ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА
ЮКСАЛТИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 11 октябрь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз жанубий ҳудудининг улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича бошланган кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига сафарини Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ушбу воҳага ташрифини одатда мазкур муқаддас кадамжони зиёрат қилишдан бошлар эди. Ислом Каримов ташаббуси билан буюк аллома абадий кўним топган ушбу масканда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, зиёратчилар учун барча қулай шароитлар яратилган.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев божхона терминали ҳам бўлган «Termez Cargo Centre» халқаро логистика маркази ва бу ерда ташкил этилган автокемпинг фаолияти билан танишди. Катта миқдордаги юкларга ишлов бериш ва уларни тушириш-ортиш ишлари амалга ошириладиган мазкур корхона ҳудудида божхона терминали биноси, 300 катта юк машиналарига мўлжалланган жой, автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси, контейнер ва

бошқа юкларни сақлаш омборлари жойлашган, бу ерга темир йўл линияси олиб кирилган.

Марказга ташриф буюрадиганларнинг дам олиши учун мазкур ҳудудда барча шароит яратилган. Замоनावий меҳмонхона, ресторан, сузиш ҳавзаси, фитнес-марказ, мини-маркет фаолият кўрсатмоқда. Бундай мажмуаларнинг барпо этилиши тадбиркорлар учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, хорижий давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажмини юксалтириш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш имконини бериши таъкидланди. Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги чегара постларидан бирида бўлиб, давлатимиз сарҳадларини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар учун шароитларни бунданда яхшилаш зарурлигини қайд этди. Мутахассислар Термиз шаҳри мавзеларидан бирида кам таъминланган ва ёш оилалар учун яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли замоनावий уйлар лойиҳалари билан таништирди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган яқка тартибдаги замоनावий, ихчам уй-жойлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Бу объектларнинг барчаси сифатли ва ўз вақтида қурилиб, фойдаланишга топширилиши лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев қурилиши давом этаётган «Амударё соҳили» спорт-соғломлаштириш мажмуаси объектларини ҳам кўздан кечирди. 21 гектар майдонни эгаллаган ушбу ҳудудда 50 дан зиёд объект қурилади. Жумладан, 200 ўринга мўлжалланган ва йил давомида фаолият кўрсатадиган болалар соғломлаштириш маскани бунёд этилади. Мажмуа таркибидан очиқ ва ёпик сузиш ҳавзалари, спорт иншоотлари, турли тўғараклар учун жойлар, аттракционлар, сайилгоҳлар ўрин олади. Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Термиз туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги «Gold dried fruits export» масъулияти чекланган жамияти корхонасида ҳам бўлди. Бу корхонани ташкил этишга 25 миллион АҚШ доллари йўналтирилган. Мева-сабзавотлар сақлаш, қуриштириш, музлатиш ва қадоқлашга мўлжалланган мазкур корхона Хитой, Бельгия, Туркия ва Италияда ишлаб чиқарилган замоनावий ускуналар билан жиҳозланган. 350 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари халқимизга етказиб берилади, шу билан бирга, Россия, Жанубий Корея ва бошқа

мамлакатларга экспорт қилинади. Корхонанинг «Gold agro fresh» агрофирмаси кўчатлар парвариш қиладиган иссиқхона хўжалигига ва интенсив боғларига эга.

Мазкур корхоналар фаолияти билан танишиш давомида ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қайта ишланган мева-сабзавотларни экспорт қилишни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бу ерда вилоятдаги фермер, деҳқон ва ёрдамчи хўжаликларда мева-сабзавотлар етиштиришни кўпайтириш, уларни молиявий ресурслар ва сифатли уруғлик билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Исо ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Мусулмон оламида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида машҳур бўлган улуғ аждодимизнинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилаётгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида йирик цемент заводи қурилишининг бориши билан танишди. Қиймати 212,8 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида бу ерда йилига 1,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилади. Шуниси эътиборлики, корхона асосий хомашё базасига яқин жойда барпо этилмоқда. Маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга етказиб бериладиган мазкур заводда мингдан зиёд иш ўрни яратилади. Шу ернинг ўзида вилоят марказида қурилиши режалаштирилаётган маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводи лойиҳаси муҳокама қилинди. Бундай корхоналарни барча шаҳар ва туманларда барпо этиш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди.

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатлардан мисоллар келтириб,

мутасаддиларга ушбу масалаларни вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Шеробод тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури кўриб чиқилди. Йиғилишда уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, вилоят саноати ва иқтисодиётининг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш, пахта ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб олиш, кузги экинларни экиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида 2016 йил 10 октябрь куни Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Вқки давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон делегациялари турли даражадаги амалий ташрифларининг яқунларига, устувор йўналишларда муҳим тижорат шартномалари тузилганига юқори баҳо бердилар. Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижадорлигини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси

бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизациялашни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларини бажариш, жорий йилда фойдаланишга топшириладиган энг муҳим объектларни ишга туширишни сўзсиз таъминлаш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислохотларни амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилига асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йил 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Замин заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ва миришкорлиги туфайли, мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бой ҳосили етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоизга ўсиши таъминланди. Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш йўналиши

давом этирилди. Ўтган 9 ойда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоизга ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоизга оширилди. Янги кишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қулай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш давом этирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллион сўмдан ортиқ ва 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари эътибори Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикномасида “...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади. Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр ... барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлар, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда...”, деб белгилаб берилган вазифага қаратилди.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларнинг 2016 йилга кўзда тутилган барча чора-тадбирлари, прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларини сўзсиз ижро этиш учун мавжуд ресурс ва захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017 йил ва келгуси йилларда иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратиш вазифаси топширилди.

Банк тизими барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва модернизациялашга доир инвестиция лойиҳаларига, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кредит ажратиш ҳажмларини кенгайтириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Мажлисда давлат активларини, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар устав фондларидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улушларини хусусий мулкка, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва энг муҳим мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш учун бошқарув услубларини тубдан ва танқидий қайта кўриб чиқиш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Бунда биринчи галдаги ва стратегик вазифа сифатида иқтисодиётни чуқур ислоҳ қилиш, янада диверсификациялаш ва модернизациялаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш шартлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгилаб берилган тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш зарурлигига қаратилди. Вазирликлар ва идоралар, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш бўйича аниқ вазифалари ва шахсий масъулияти белгилаб берилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, маҳаллий хомашё ва

материалларни чуқур қайта ишлаш ҳамда кимё, чарм-пойафзал, фармацевтика, қурилиш индустрияси ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги чуқур ва батафсил таҳлил қилинди.

Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар – 11,2 фоизга ўсишини таъминлагани қайд этилди.

Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хомашё ва материалларни, энг аввало, X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди.

Бир қатор вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, бир қатор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича 14 та ўрта муддатли дастурлар лойиҳаларини тайёрлашни тугаллаш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилди. Булар қаторида сув, электр таъминоти, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш,

маҳаллий автомобиль йўллари таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари ва бозорларни модернизациялаш, кам таъминланган ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш, аёллар, болалар ва пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш дастурлари ишлаб чиқилади.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш прогноз кўрсаткичларига эришиш юзасидан ишларнинг натижадорлигини пухта таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси, “Ўзбекэнерго”, “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятлари, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва уларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асосиз

кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш-баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТўҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЛОЙИХАСИНИ КИРИТИШ ҲАҚИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти куришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди.

Мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилди ва бу муносабат 2008 йилда қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг

мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек халқаро ҳамкорлик мустаҳкамлаб кўйилмоқда.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини тузиш ва унинг таркибига тадбиркорлар жамоат бирлашмаларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, қонуннинг амалга киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг кўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри, 2016 йил 14 октябрь

СЕНАТНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА 10 ТА МАСАЛА, 4 ТА ҚОНУН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2016 йил 12 октябрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Муайян тоифадаги шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан нафақат озод қилишни, балки уларни даволашни, ишга жойлаштиришни, шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштиришни белгилаб берувчи бир қатор тадбирлар назарда тутилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан таклиф этилган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонунда, айниқса, таълим, ишга жойлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ҳамда турлари муҳим ўрин эгаллайди, ушбу соҳадаги идоралараро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик масалалари тартибга солинмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг, тадбиркорлик субъектларининг вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда. Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун нормаларининг рўёбга чиқарилиши ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамоатчилик назорати учун очик бўлишини таъминлайди, нафақат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга, мамлакатда амалга оширилаётган кўламдор кучли ижтимоий сиёсат давом этирилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва парламентга киритилган “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Амалдаги қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган нормалар, қоидалар ва нуқсонларни бартараф этишга, фойдаланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга, қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амал қилиб турган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралда қабул қилинган “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгартирилди, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммаларига ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, имкониятлари чекланган шахсларнинг касбга ўқитилишини ташкил этиш ва инклюзив касбга ўқитишни ривожлантириш, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаларига муҳтож оилаларга ҳамда фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланиши ҳамда тўланиши устидан мониторинг олиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ногиронлар ва кексалар учун мўлжалланган Мурувват ҳамда Саховат уй-интернатлари, Ногиронлар учун реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлар учун

минтақавий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаториялар ҳамда пансионатлар, шунингдек, қатор таълим муассасалари Меҳнат вазирлиги тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Қайд этилган фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

“Ветеринария тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонунларга, шунингдек, Жиноят кодексига, Солиқ кодексига, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ветеринария тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга, қонун ҳужжатлари нормаларидаги атамалар ва тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади. Жиноятлар таҳлилини, динамикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда Жиноят кодексига фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-

сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторларнинг фикрича, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган нормаларига Ўзбекистон содиқ эканлигининг исботи бўлади, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади.

БОШ ВАЗИРГА МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛИ ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ МАВЖУДЛИГИДАН ДАЛОЛАТ

Жорий йилнинг 24 сентябридан ишга туширилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жамиятимизда кўплаб муаммоларнинг ўз ечимини кутиб турганидан далолат бермоқда. Фуқароларнинг турли муаммолари юзасидан қилган мурожаатлари йўналишлари бўйича вазирлик, идоралар томонидан жавоб бериш учун қабул қилинмоқда. Шу ўринда матбуот нашрларида баъзи вазирлик идораларнинг ўзига тегишли мурожаатларнинг мазмуни нималардан иборатлиги ҳақида маълумотлари нашр этилди. Ҳатто йил давомида вазирлик, идораларга қилинган мурожаатлар сони ўн кун ичида виртуал қабулхонага қилинган мурожаатлар сонига тенглашган (яқин

кунларда ошиб кетади). Хусусан, ички ишлар вазирлиги масъулининг ЎзАмухбирига берган интервьюсида 2016 йилнинг 9 ойи давомида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали вазирликка жами 4 мингдан зиёд мурожаат келиб тушгани айтилади. Шу ўринда вазирлик масъули Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси орқали айни вақтга қадар (интервью 11 октябрда олинган) (17 кун ичида) 3,5 мингдан зиёд мурожаат келиб тушганини таъкидлайди. Мурожаатларнинг 40 фоизи прописка, биопаспорт олиш ва фуқаролик масалаларига тааллуқлилиги айтиб ўтилган. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳри ҳамда Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларига тўғри келиши ҳам маълум қилинган.

Шунингдек, банклар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам кўп бўлаётгани таъкидланади. Умуман олганда ҳозирга қадар 20 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани ҳисобга олинса, ушбу ҳолат октябрь сўнгига қадар 50 мингдан ортишини кутиш мумкин. Мурожаатларни мазмуни бўйича вазирлик, идораларга юборилаётгани яхши, лекин уларни умумий таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш энг муҳимидир. Яъни мамлакатимизда қайси соҳаларда оқсоқлик кузатилаётгани, муаммоларнинг тўпланиб қолганини аниқлаш, муаммоларни юзага келтирган ва келтираётган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти туғилади. Бунда муаммолар кўтарилаётган ҳудудлар бўйича ёндашув ҳам ўз самарасини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ – ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир. Эркин сайловларни ўтказиш жараёнида қонунийлик, тенглик каби бир қатор умумий ҳуқуқий тамойилларга оғишмасдан амал қилиниши уларни муваффақиятли амалга оширишга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислом Каримов

таъкидлаганидек, «Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани». Сайловлар жамият ва давлат бошқарувига демократик усулда эришишининг ҳуқуқий воситасидир. Вакиллик органларини сайловларсиз шакллантиришнинг ўзи мумкин эмас. Сайловлар орқали давлат ҳокимиятини ташкил этиб, давлат ва жамиятни бошқариш энг тўғри ҳамда энг самарали усулдир. Чунки, халқ, жамоа ўзини ким бошқаришини, унинг ҳаётида кимлар ижобий ўзгаришлар қилишини ўзи ҳал этиши муҳим аҳамиятга эга. Сайловлар – бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган демократиянинг даражаси ва кўрсаткичидир. Сайлов шундай жараёнки, у мамлакатда давлат бошқарувининг ташкил этилишини, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасидаги муносабатни қай даражада қарор топганлигини, халқнинг сиёсий маданиятини, мазкур ҳудудда мавжуд сиёсий хурфикрликни (плюрализмни) ва, ўз навбатида, мамлакатдаги ижтимоий адолат, қонунийлик, тенглик, инсонпарварлик каби тамойилларнинг амалдаги ифодасини намоён этади. Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси – халқнинг давлат ва жамият бошқарувида тўлақонли иштироки ҳисобланади. Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштироки бир неча шаклларда рўй беради. Аввало, Конституцияга мувофиқ, бу иштирок бевосита ҳамда вакиллар орқали амалга ошиши мумкин. Бевосита шаклларга: сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларини муҳокама этишда қатнашиш, шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида (маҳалла йиғинларида) иштирок этиш ва ҳ.к. киради. Вакиллар орқали бошқарувда иштирок этиш шакллари ҳам анчагина. Булар: Президент, Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, давлат идоралари барча бўғинларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимли шахслар ва ҳ.к.. Конституцияга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар». «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади». Сайлов ёшларнинг сиёсий манфаатларни ифода этиши ва сиёсий ҳаётдаги ҳамда давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи асосий демократик воситадир. Фуқаролик жамияти шароитида сайловлар ёшлардаги турли манфаатлар шаклланиши, уларнинг манфаатлари гуруҳий манфаатлар шаклида давлат вазифаси даражасига кўтарилиши учун муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва жамиятни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотлар натижасида шаклланаётган янгича сиёсий муносабатлар ва янгича сиёсий майдон демократик сайлов тизимлари орқали таъсирчан механизмларга эга бўлишини тақозо этади. Шундай экан, мамлакатимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ёшларнинг иштирок этиши ҳамда овоз бериш жараёнида ўзларининг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий савияларини намоён этган ҳолда муносиб номзодга ўз хоҳиш иродаларига таянган ҳолда овоз беришлари мамлакатимиз келажагининг ишончли кўлларга топширилишида муҳим аҳамият касб этади.

ЯРМАРКАДА 550 МИНГ ТОННА ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимизда 12-13 октябрь кунлари бўлиб ўтган XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 550 минг тонна ўзбек пахта толасини сотиб олиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 1 миллиард 322 миллион доллардан зиёд миқдордаги шартномалар имзоланди. Анжуманда юқори сифатли пахта толасини етиштириш ва савдо қилиш, бу йўналишдаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва тармоққа тегишли бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди, музокаралар олиб борилди, ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Унда 40 дан зиёд мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари, эксперт ва мутахассислари иштирок этди. Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси

вакиллари шулар жумласидандир. Экспорт географиясини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изланишлар туфайли янги бозорлар кашф қилинмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг хорижда қирқдан ортиқ савдо уйлари ташкил этилган. Ярмарка иштирокчилари Тошкент вилоятидаги “Ўзбекистон” пахтани қайта ишлаш заводи, “UzTex-Chirchiq” кўшма корхонаси ва “Тошкент Тола” пахта терминали фаолияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонда пахтачилик ва тўқимачилик саноати изчил ривожланаётгани, соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилаётганининг гувоҳи бўлди. Мамлакатимизда 21 худудий пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат замонавий логистика тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тизимда ўзбек толасини етказиб бериш кўламининг мунтазам кенгайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда янги транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. “Тошкент Тола” терминалига келган иштирокчилар унинг мисолида юртимиздаги ана шундай субъектлар фаолияти билан танишди. “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси, “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар-хомашё биржаси ва “Сифат” маркази ҳамкорлигида ташкил этилган XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси етиштирилган пахтани сотиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга салмоқли ҳисса кўшмоқда. Анъанавий ярмарка миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш, юртимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлиги ва нуфузини янада юксалтиришнинг нурли уфқларини очиб бермоқда.

ТОШКЕНТДАН АНДИЖОНГА ЯНА БИР ПОЕЗД ҚАТНАЙ БОШЛАЙДИ

17 октябрдан бошлаб Тошкентдан Андижонга қўшимча поезд ҳаракатлана бошлайди. Йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўналиши бўйича ҳар куни янги 62/61 сонли тезюрар поезде ҳаракатланади. Поезднинг Тошкентдан кетиш вақти соат 16-30да, у Андижонга соат 22-30га етиб боради. Поезд Андижондан соат 06-00да жўнаб кетади ва Тошкентга соат 12-10га етиб келади. Шу сабабли 18 октябрдан

«Андижон-Бухоро-Андижон» йўналишидаги 392/391 сонли поездининг, шунингдек «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўналишидаги 92/91 сонли поездининг ҳаракатланиш жадвалида ўзгаришлар эълон қилинади.

АНТОНИУ ГУТЕРРИШ БМТ БОШ КОТИБЛИГИГА ТАСДИҚЛАНДИ

БМТ Бош Ассамблеяси пайшанба куни Португалиянинг собиқ бош вазири Антониу Гутерришни халқаро ташкилот бош котиблигига тасдиқлади. Йиғилишда португалиялик сиёсатчининг 2017 йил 1 январидан БМТ раҳбари этиб тайинланиши ҳақидаги резолюция кўриб чиқилди. Гутерриш ушбу лавозимда 2021 йилнинг 31 декабрига қадар фаолият олиб боради. “Мен Антониу Гутерришни БМТ Бош котиби сифатида 2017 йил 1 январидан 2021 йилнинг 31 декабрига қадар тайинланганини эълон қиламан”, — дея эълон қилди БМТ Бош Ассамблеяси раиси Питер Томсон. Гутерриш пайшанба кунги чиқишида дунёдаги можароларни ҳал этишни ўзининг бош мақсадларидан бири эканлигини таъкидлаган. У ёшлигида лицейда ўқиб юрган вақтларида тарихга жуда қизиқганини айтиб ўтар экан, “Мен ўшанда аввалги урушларда ғолиблар бўлганлигини билдим. Бугун бундай эмас, биз фақат ютқазганларни кўряпмиз, урушнинг ўзи эса тугамас экан. Бизнинг жамоавий вазифамиз – бундай ҳолатга яқун ясаш”, — дейди янги бош котиб.

РОССИЯ ВА ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИ СУРИЯДАГИ ВАЗИЯТНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ

Россия президенти Владимир Путин ва Хитой раиси Си Цзиньпин Гоода бўлиб ўтаётган БРИКС саммити вақтида Суриядаги вазиятни муҳокама қилишди.

Песковнинг айтишича, мулоқот вақтида икки томоннинг «террорчиликка қарши курашиш зарурлиги борасида фикрлар ўхшашлиги» қайд қилинган. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ишларига ташқи кучларнинг аралашувига йўл қўйиб бўлмаслигини муҳокама қилишди. Етакчилар Ўрта Осиё ҳудудига халқаро террорчиликнинг киришига қарши ўзаро ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтишди. Песковнинг таъкидлашича, Путин ва Си Цзиньпин шунингдек Корея яриморотидаги вазиятга ҳам тўхталиб ўтишди ва у ерда ядровий қуролсизлантириш ўтказиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А